

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 9



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдишвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти, Россия

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Раҳбар Холиқова XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИДАН (Муҳаммаджон Садри Зиё ва Мир Сиддик Ҳашмат кутубхоналари мисолида).....	4
2. Нилуфар Джураева СОВЕТ ДАВРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАОРИФ СОҲАСИГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИ МАСАЛАСИ.....	14
3. Дилшод Комолов ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТИЗИМИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА (1946-1960 йиллар мисолида).....	23
4. Раҳмонали Муродалиев, Сайёрахон Мирсоатова СЎНГАК МОЗОР-ҚЎРҒОНИ ТОПИЛМАСИ ВА УЗАНГИНИНГ ТАРИХДАГИ АҲАМИЯТИ.....	34
5. Маҳмудали Дехқонов ЁШЛАРНИ КОМИЛ ИНСОН ЭТИБ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ.....	44
6. Муаззам Маҳмудова ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХУРОСОН ВИЛОЯТИДА ТЎҒОНЛАР ҚУРИЛИШИ.....	50
7. Мурод Раҳматов 1917 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН ҚУРУЛТОЙЛАР ҲАМДА ТУРКИСТОН ЎЛКА МУСУЛМОНЛАРИ ШҶРОСИНИНГ ТУЗИЛИШИ.....	57
8. Мурод Раҳматов, Муҳаммаджон Жабборов ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ.....	64
9. Анварбек Омонов МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАДАНИЯТЛАРИ МУАММОЛАРИ (СЕЛУНГУР ЁДГОРЛИГИ МИСОЛИДА).....	72
10. Zumrad Rahmonqulova TURKIY TILLI MANBALARDA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING USMONIYLAR DAVLATI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI HAQIDA MA'LUMOT.....	86
11. Абдумажид Сагатов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИР САНЪАТ РИВОЖИ.....	93
12. Хуршидбек Ходжамбердиев ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТА ИШИ”ГА ДОИР ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР (1981 – 1985 йй.).....	98

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Раҳбар Эргашевна Холикова,
Тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат техника университети
e-mail: tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИДАН (Муҳаммадjon Садри Зиё ва Мир Сиддиқ Ҳашмат кутубхоналари мисолида)

For citation: Rahbar E. Kholikova. FROM THE HISTORY OF THE LIBRARIES OF THE BUKHARA EMIRATE OF THE LATE XIX – EARLY XX CENTURIES (on the example of the libraries of Muhammadjan Sadri Zia and Mir Siddiq Hashmat). Look to the past. 2021, vol. 4, issue 9, pp.4-13

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-9-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX аср охири ва XX бошларида Бухоро шаҳрида яшаган китобсевар, адиб ва тарихчи, бой кутубхонага эга бўлган қозикалон Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё ва Саййид Муҳаммад Мир Сиддиқхон Ҳашмат ҳаёти ва унинг кутубхонасидаги қўлёзма китоблар уларнинг тақдири ҳақида кенг маълумот берилади. Шунингдек, Садри Зиё асарлари мавзу доираси кенг, асосан тарихий ва адабий характерга эга бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига оид Бухоро амирлиги тарихи, илмий, адабий муҳитини ўрганишда қимматли манбалар сирасига кириши ҳақида тўхталиб ўтилади. Унинг тарихий асарлари Бухоро ва унда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига бағишланганлиги, Ўзбекистон тарихининг ушбу даврини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этиши таъкидланади.

Калит сўзлар: Илмий-маданий ҳаёт, кутубхоналар, Шарқ қўлёзмалари, ҳаттотлик, адабий муҳит, адабий кечалар, тазкира, маснавий, ғазал, Бухоро амирлиги тарихи, қўлёзма фондлар, асарлар, муҳожирлик.

Раҳбар Эргашевна Холикова,
доктор исторических наук, профессор,
Ташкентский государственный технический
университет имени И.Каримова
e-mail: tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

**ИЗ ИСТОРИИ БИБЛИОТЕК БУХАРСКОГО ЭМИРАТА КОНЦА XIX – НАЧАЛА XX
вв. (на примере библиотек Мухаммаджана Садри Зия и Мир Сиддиқ Хашмат)**

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена подробная информация о жизни книжного любителя, писателя и историка Мухаммада Шарифджона Садри Зиё и Саййида Мухаммада Мир Сиддикхона Хашмата, живших в Бухаре в конце XIX – начале XX веков и имевших богатую библиотеку, и о судьбе Бухары. рукописи в его библиотеке. Также отмечается, что произведения Садри Зиё имеют широкий спектр тем, в основном историческую и литературную и являются одним из ценных источников в изучении истории, научной и литературной среды Бухарского эмирата второй половины XIX века – начало XX вв. Отмечается, что его исторические труды посвящены истории Бухары и правивших ею династий и играют особую роль в изучении истории Узбекистана в этот период.

Ключевые слова: Научно-культурная жизнь, библиотеки, восточные рукописи, каллиграфия. литературная среда, литературные вечера, тазкира, маснави, газель, история Бухарского эмирата, рукописи, произведения, иммиграция.

Rahbar E. Kholikova,

Tashkent State Technical University named after I. Karimov,
professor, doctor of Historical Sciences.
e-mail: tdtu.uzuzrahbarkholikova@mail.ru

**FROM THE HISTORY OF THE LIBRARIES OF THE BUKHARA EMIRATE OF THE
LATE XIX – EARLY XX CENTURIES. (on the example of the libraries of Muhammadjan
Sadri Zia and Mir Siddiq Hashmat)**

ABSTRACT

This article provides detailed information about the life of the book lover, writer and historian Muhammad Sharifjon Sadri Ziyo and Sayyid Muhammad Mir Siddikhon Hashmat, who lived in Bukhara in the late 19th – early 20th centuries and had a rich library, and the fate of Bukhara. manuscripts in his library. It is also noted that the works of Sadri Ziyo have a wide range of topics, mainly historical and literary, and are one of the valuable sources in the study of the history, scientific and literary environment of the Bukhara Emirate of the second half of the 19th century - the beginning of the 20th centuries. It is noted that his historical works are devoted to the history of Bukhara and the dynasties that ruled it and play a special role in the study of the history of Uzbekistan during this period.

Index Terms: Scientific and cultural life, libraries, oriental manuscripts, calligraphy. Literary environment, literary evenings, tazkira, masnavi, gazelle, history of the Bukhara Emirate, manuscripts, works, immigration

1. Долзарблиги:

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида яшаган, Бухоро илмий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, маърифатпарвар олим, ёзувчи, шоир, ҳаттот, ҳомий, китобсевар, нодир ва қимматбаҳо қўлёзмаларга бой кутубхона эгаси бўлган ва ўзидан кейин бой илмий ва адабий мерос қолдирган шахслар ҳаётини ўрганиш, улар устида тадқиқот ишлари олиб бориш, тарих ва ижтимоий фанлар соҳаси тараққиётига хизмат қилади ва ҳозирги давр кишиларини, айниқса, ёшларнинг ўтмишга нисбатан дунёқарашини кенгайтиради, тарихий онгни ўстиради ҳамда шу давр билан боғлиқ тарихий мавзуларга кизиқишини оширади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Садри Зиё ҳақидаги дастлабки маълумотларни унинг замондошлари ва дўстлари, илмий ва адабий муҳит вакиллари Хўжа Азим Шаръий[1], Қори Раҳматуллоҳ Возих, Афзал Махдум Пирмастий Бухорий, Абдуллахожа Абдий, Ҳожи Мухаммад Неъматулло Мухтарам ибн қози Шарофуддин, Мир Мухаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорийларнинг асарларида учратамиз[2]. Ушбу олимлар ўз асарларида асосан, ўша давр халқининг ҳаёт тарзи ва илмий

салоҳияти, Бухоро адабий муҳити ҳақида баён қиладилар. Садри Зиёнинг Бухоро амирлиги маънавий муҳитида тутган ўрни, жамоатчилик ва адабий фаолияти эса қисман ёритилган.

Садри Зиёнинг давлат арбоби сифатидаги ижтимоий фаолияти Мирза Салимбек[3], Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Саййид Балжувоний[4], Абдурауф Фитрат[5], Файзулла Хўжаев[6] асарларида ҳам қайд қилинган. Ушбу муаллифлар ўз асарларида 1917-1918 йил воқеаларини ёритишда Садри Зиёнинг сиёсий фаолиятига баҳо беради.

Садри Зиёнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизга батафсилроқ маълумот берган адиблардан, унинг шогирди Садриддин Айнийдир. Унинг асарларида Садри Зиёнинг ҳаёти, давлат бошқаруви ва маъмурий ишларда олиб борган фаолияти, илмий-адабий мероси ёритилган[7]. Бироқ, Садриддин Айний асарлари ҳукмрон мафкура таъсиридан холи эмас эди.

Шарқшунослик институтининг илмий ходими У.Ҳамроев Садри Зиё шахсий кутубхонасининг каталоги ва “Асоми-ул-кутуби китобхонаи хусусии Шарифжон-махдум” (“Фехрист”) асари ҳақида мақолалар нашр қилди[8]. Кутубхона фонди ва қўлёзмаларининг каталоги илк бор шарқшунос олим У.Ҳамроев томонидан 1963 йилда таҳлил қилинган.

Садри Зиёнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини ўрганиш борасида мустақиллик йилларида муҳим илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Хусусан, Садри Зиёнинг кутубхонаси каталоги, кутубхонасининг таркиби ва унинг бугунги кундаги тақдири ҳақида маҳаллий олимлар томонидан тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, Ш.Воҳидов ва З.Чориевнинг, шунингдек, ёш олима Д.Янгибоева тадқиқотлари бу йўналишда энг муҳим ва биринчи жиддий тадқиқотлардан бири ҳисобланади[9].

Ш.Эсанова[10], О.Масалиеванинг илмий мақолаларида[11] Садри Зиёнинг тарихнавислик истеъдоди очиб берилган.

Садри Зиё ижодини ўрганиш ва унинг асарларини кенг тарғиб этиш борасида унинг ўғли академик Муҳаммаджон Шукуровнинг[12] хизматлари каттадир. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Садри Зиёнинг “Осори Зиёия”, “Тазкори ашъор”, “Наводири Зиёия”[13], “Рўзнома” номли асарлари нашр қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳар бир халқнинг маънавий ҳаётида китоб муҳим роль ўйнаган. Китоблар сақланадиган кутубхоналар эса алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бухоро амирлигида давлат ва жамоат кутубхоналари билан бирга, шахсий кутубхоналар кенг фаолият кўрсатган. Шахсий кутубхоналарнинг Ўрта Осиёда шаклланиши ва уларнинг фаолиятига бағишланган кўплаб мақолалар мавжуд. Ушбу мақолалар шундай кутубхоналар мавжудлиги ва бу кутубхоналар давлатники ёки шахсий бўлганлиги, шунингдек, китоблар тўпламлари ҳақида ҳам маълумот беради.

Ўрта Осиёдаги шахсий кутубхоналардан Муҳаммад Парсо, Жўйбор шайхлари, Дукчи эшон, Генерал Жўрабек, Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Музаффар Ҳашмат (1862-1927), Муҳаммад Шариф Садри Зиё, Қози Бурхониддин, В.Л.Вяткин, Абдурауф Фитрат, Бехбудий, А.А.Семёновларнинг кутубхоналари ва тўпламларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида Ўрта Осиёдаги араб тилида ёзилган китоблар йиғиб олиниб, махсус жойларда, кутубхоналарда ва илмий ташкилотларда сақланган. Афсус, уларнинг кўпчилиги халқимизга қайтарилмай йўқ қилиб юборилган. Бундай ҳолат ҳақида Муҳаммад Шариф Садри Зиё ҳам ўз эсдаликларида тўхталиб ўтади. Муҳаммад Шариф Садри Зиё ўзининг эсдаликларида унинг кутубхонасини қўлга олиш бўйича расмий совет идораларининг таҳдиди ва уларнинг тазйиқи ҳақида “Мана мен ўламан, фақат ўшандагина менинг китобларимни шундайига, бепул оласизлар”, - деб ёзганди[14].

Садри Зиё номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Шариф ибн Абдушукур (Муҳаммадшарифжон махдум ибн Домулло Абдушукур ибн Абдурасул “Зиёи Садр” (баъзан “Садри Зиё”) ҳижрий 1281 йил, 27 рамазон куни, милодий 1865 йили 24 февраль куни Бухоронинг Зиёвуддин туманида оламга келган. XX аср бошларида Бухоро илмий ва маданий ҳаётида Зиё Садр номи билан муҳим ўрин тутган давлат арбоби (у амир Олимхон ҳукмронлиги даврида Бухоро шахрининг қозикалони ҳам бўлган), маърифатпарвар олим,

ёзувчи, шоир, ҳаттот, ҳомий, китобсевар, нодир ва қимматбаҳо қўлёзмаларга бой кутубхона эгаси бўлган ва ўздан кейин бой илмий ва адабий мерос қолдирган шахсдир.

Зиё Садрдан бизга катта ва бебаҳо кутубхона мерос бўлиб қолган. Бу кутубхонадаги нодир асарлар Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва бизга қўшни бўлган бошқа Шарқ мамлакатларининг турли шаҳарларида ёзилган ёки қўчирилган бўлиб, фаннинг турли соҳаларига оиддир. Ҳозир бу нодир қўлёзмалар Ўрта Осиё тарихини, адабиёти ва маданиятини ўрганувчи олимларга қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Зиё Садрнинг илмий ва адабий мероси, шарқ дурдоналари, яъни қўлёзма китоблардан иборат коллекциясининг асосий қисми ҳозирда Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланмоқда.

Зиё Садр қўлёзма китобларни севган, мазмуни жиҳатидан қимматли ёки машҳур котиб қўли билан қўчирилган бўлса, сотиб олаверган. У бой қўлёзма коллекцияси тўплашга вақтини ҳам, маблағини ҳам аямаган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “ Ҳар қачон кимнинг қўлида яхши қўлёзма кўрсам ёки қаерда нодир нусха борлигини эшитсам, имкон борича қандай бўлмасин уни сотиб олишга ҳаракат қилардим. Агар сотишга унамаса, воситачилик билан ҳам қўлга киритар эдим. Ҳар икки тақдирда жонсиз нарсани бериб, жон олардим. Зиё Садрнинг ёзишича, у баъзи бир нусхаларни совға йўли билан ҳам олган. Қўлёзмаларнинг бир қисми Зиё Садрга отаси қозикалон Абдушукур томонидан мерос сифатида қолдирилган. Баъзи китоблар Зиё Садрнинг буюртмаси ва илтимосига биноан қўчириб берилган. Муаллиф ўта ноёб ва бебаҳо китобларни моддий ёрдам бериб ёки қарзи эвазига олган вақтларини ўз асарида эътироф этади.

Зиё Садр коллекцияси таркибида унинг ўзи ва отаси қозикалон Абдушукур томонидан қўчирилган, таҳрир қилинган ёки тузилган қўлёзмалар ҳам мавжуд. Муҳаммадшариф Зиё Садр ўз вақтида ҳаттотлик мактабини яратиб, қўллаб-шогирдларга устозлик ҳам қилган. Бу ҳақда Идрис Маҳдум Рожийнинг “Рисолаи хушнависон” рисоласида шундай келтирилган: “Мирзо Азим, Абдурахим Абдулвоҳид, Мирзо Абдулкаюм, Мирзо Қори Олам, Мирзо Қобил, Мирзо Мурод, Муҳаммадамин Қори Музнийб, Абдулмўмин, Қори Назруллоҳ ўроқ, Қози Ҳожи Неъматуллоҳ, Мирзо Сафар, Мир Яҳё қоровулбеги Зиё Садрнинг ҳаттотликда шогирдлари бўлган.

Зиё Садр ўз каталогида 450 та шахсни тилга оладики, улардан 170 таси ҳаттотлардир. Ҳаттотлик Ўрта Осиёда, айниқса Бухоро ҳудудларида юқори санъат даражасига кўтарилди. Энг кўп безакли қўлёзмалар ҳам Бухорода тайёрланган. Бухоролик қўлёзма усталари, уларнинг маҳоратли санъатлари қўлёзма китоб тайёрлаш бўйича уларнинг бадиий ва техник тажрибаларидан Шарқ мамлакатлари усталари ҳам кенг фойдаланишган.

Саййид Муҳаммад Мир Сиддиқхон „Ҳашмат“ 1871 йилдан Қарши беги бўлган. Нуриддинхон вафотидан сўнг Амир Музаффар уни 1878 йил Чоржўй беги этиб тайинлади. 1885 йилдан Бухорода Амир Абдулаҳад ҳукмронлиги бошлангач, Мир Сиддиқхон тақдири ҳам худди бошқа акалари сингари кечди. У лавозимидан туширилиб, Чоржўйдан чақириб олинди. 1885 йил қамоққа олинди. Сўнгра қўйиб юборилди, Бухоро Аркига жойлаштирилди ва уй қамоғида сақланди. Бухорода охириги йиллари у Равғангарон даҳасида яшади. 1922 йили у Афғонистонга кўчиб кетди. У сиёсий соҳадан кетгач, ўзини адабиётга бағишлади. У ўртамеъна шоир бўлса ҳам, адабиётни жуда яхши биларди, унинг бир неча тугалланмаган тазкиралари бизларгача етиб келган. Ўзбекистон Шарқшунослик институти хазинасида унинг 30 дан ошiq қўлёзма асарлари сақланмоқда. Ҳашматнинг Бухорода иккинчи ўринни эгаллаган катта кутубхонаси мавжудлиги бизга маълум[15].

У 35 йил Лаби ҳавзи Дастурхончи гузаридаги ҳовлисида ҳижрий 1303-1338, милодий 1885-1920 йилгача уй қамоғида яшаганлиги, илмий-адабий ижоди, кутубхонаси ва унинг шахсий ҳаёти ҳақида аниқ ва ўта муҳим маълумотлар келтирилади. Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё шу муносабат билан унинг шоирлигини ҳам эслаб, Ҳашматнинг 3 ғазал ва 1 та маснавийсини тазкирасида келтиради.

Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё ҳам амирзода Ҳашматга ўхшаб тазйиқлар натижасида фаол давлат ва қозилик ишлари билан машғул бўла олмаган. Сарой аҳли ва

мутаассиб ҳукмрон табақа вакиллари Садри Зиёни ҳам билимли ва истеъдодли шахс бўлгани учун ёқтиришмаган. Ҳар соҳада мустақил бўлган Садри Зиё ҳатто, амирга ҳам бош эгишни хоҳламаган. Бу қайсарлиги учун доим қувғинга дуч келиб, ўзи ва яқинларининг ҳаётидан хавфсираб яшаган. Бироқ, Ҳашмат ва Садри Зиё Аҳмад Донишдан кейин Бухоро илмий ва адабий муҳитининг раҳбарлари, ҳомийлари; расмий амир ҳукуматига мухолиф бўлган зиёлиларнинг маънавий бошлиқларига айландилар. Уларнинг уйлари Бухоро илмий ва адабий муҳитининг маркази, адабий кечалар ўтказиладиган манзилга айлангани эди[16].

Ҳашмат ва Садри Зиё ижодларининг баъзи жаҳатларини олимлар Расул Ҳодизода, Саҳобиддин Сиддиқов, Муҳаммаджон Шакуров, Илҳомжон Эшонкулов, Дилноза Янгибоевалар ҳам ўз тадқиқотларида кўрсатишга интиланганлар[17].

Неъматуллоҳ Муҳтарам, Садриддин Айний ва Расул Ҳодизодаларнинг маълумотларига таянилган ҳолда Ш.Воҳидов, З.Чориевлар томонидан Садри Зиёнинг барча асарлари аниқланиб, уларнинг сони 70 тадан ошганлиги қайд этилади[18]:

1. Авсофи Мирзо Улуғбек (Мирзо Улуғбек тавсифи)
2. Аз суҳанони Аҳмад маҳдум Дониш Калла (Аҳмад маҳдум Дониш Калла сўзларидан)
3. Асомийи ал-кутуби муаллиф (Муаллифнинг китоблари)
4. Асомийи ал-кутуби китобхонаии хусусии Шарифжон маҳдум (Шарифжон маҳдум шахсий кутубхонасидаги китоблар)
5. Ашъор (Шеърлар)
6. Баёз
7. Баёни ақолими сабъа (Етти иқлим баёни)
8. Баёни қабоилу уруғ ва тақсими он ҳазрат Нух (Нух ҳазратлари қабиласининг уруғларга тақсимланиши баёни)
9. Баёни тақсим ва тавсияи оби Бухоро (Бухоро сувининг тақсимланишига доир тавсиялар)
10. Боби хосси меважоти маъмула дар билоди Мовароуннаҳр (Мовароуннаҳр шаҳарларида етиштириладиган меваларнинг хусусиятлари ҳақида)
11. Дар баёни айммаи арбаъ (Тўрт имом баёни)
12. Дар баёни бадоеъи жибали кулол ва саноеъи уюни тилал (Баланд тоғлар ва қирлар булоқлари мақтовининг баёнида)
13. Зикри авлоди Ёфас (Ёфас авлодлари ҳақида эслатма)
14. Зикри авоиلى Бухоро (Бухоро[шаҳри]нинг пайдо бўлиши ҳақида эслатма)
15. Зикри асосии мадорис доҳили Бухорои Шариф (Бухорои Шарифга тегишли мадрасалар зикри)
16. Зикри асоми масоҷиди доҳилаи Бухорои Шариф (Бухорои Шарифга тегишли масҷидлар зикри)
17. Зикри мансаб ва амалҳои салотини ўзбеки, ки аз аҳди чингизия то инқироzi он маъмула буд (Чингизхон давридан то инқироziга қадар кенг тарқалган ўзбек султонларининг мансаб ва унвонлари зикри)
18. Зикри Мўғулхон (Мўғулхон ҳақида)
19. Зикри салотини ва подшоҳони адолатнишонии аштархон (Адолатпарвар Аштархоний подшолар сулоласи ва давлати ҳақида)
20. Зикри салтанат ва подшоҳи амир Алимхонии махлуъ (Тахтдан туширилган Амир Олимхон салтанати ва подшоҳлиги зикри)
21. Зикри салтанат ва подшоҳии хавонини манғития дар Мовароуннаҳр (Мовароуннаҳрда манғит ҳукмдорлари салтанати ва ҳукмронлигининг зикри)
22. Зикри ҳолати Чингизхон (Чингизхон зикри)
23. Зикри чанд нафар уламои даври охир, ки илми ҳосил ва ақли комил надоштанд (Илми ҳосил ва ақли комилга эга бўлмаган охириги давр олимларидан бир нечтасининг зикри)
24. Зикри хожа Низомулмулк (Низомулмулк ҳақида)
25. Зикри қози Низомиддин ва мавлоно Муъини Воиз (Қози Низомиддин ва мавлоно Муин Воиз ҳақида)

26. Мажмуаи ашъор (Шеърят тўплами)
27. Зикри набзе аз аҳволи салотин ва шоҳони Эрон, бархе ахбори амирони холии Афғонистон (Эрон салтанати ва подшоҳларининг зикри, Афғонистоннинг ҳозирги амирлари ҳақида баъзи хабарлар)
28. Мунтахаби жўғрофия ва нуфуси мамолики рўйи замин (Дунё мамлакатлари жўғрофияси ва аҳолиси)
29. Мунтахаб ут-таворих (Тарих)
30. Мураккаботи калимати русия (Мураккаб русча сўзлар)
31. Мутотиботи мутақаддимин (Ўзаро ёзишмалар)
32. Мутотиботи мутааххирин ва муосирин (Замонавий ва сўнгги ёзишмалар)
33. Набзе аз гузоришоти бандаи шикастабол ал-мутахаллис ба Зийа – Мирзо Муҳаммад Шариф садр ибн қози ул-қуззот Домулло Абдушукур (Домулло Абдушукур қозикалоннинг ўғли Мирзо Муҳаммад Шариф садр – Зиё тахаллусли ожиз банданинг бошидан кечирганлари)
34. Низомиддин раис уш-шуаро, амир ул-умаро амир Алишер Навоийи Фоний (Шоирларнинг раиси, умаронинг амира Алишер Навоий Фоний)
35. Рисола(ҳо)и араби Сайид Абдулқодир Ғилоний (Сайид Абдулқодир Ғилонийнинг араб тилидаги рисоласи)
36. Рисола дар баёни Нурота (Нурота ҳақида рисола)
37. Рисолаи мунтахаб дар таъин ва таъини билоди машҳура бар тартиби хижо (Алифбо тартибида машҳур шаҳарларнинг тайинланиши ҳақидаги рисола)
38. Рўзнома (кундалик)
39. Сабаби инқилоби Бухоро (Бухоро инқилобининг сабаби)
40. Зикри салтанати ўзбеки Чингизнажот (Чингизнажот ўзбек салтанатлари зикри)
41. Силсилаи (Тарихи) салотини усмонияи турк ва насаби эшон (Усмонли туркларнинг тарихи ва уларнинг насабномалари)
42. Зикри подшоҳони ва кинозони давлати Руссия (Россия давлати подшоҳлари ва князлари ҳақида)
43. Силсилаи хонадони амирони холии Афғонистон ва баёни ҳолати эшон (Афғонистон амирлари хонадони ва уларнинг аҳволи ҳақида)
44. Силсилаи хони гетиситон Чингизхон ва баёни аҳволоти салотини авлоди он (Жаҳонгир Чингизхон насабномаси ва унинг ҳукмдор авлодлари аҳволи ҳақида)
45. Тазкор ул-ашъор (Шеърят хотираномаси)
46. Тазкират уш-шуарои мутақаддимин ва салотини муосирин ва бузургони мутаварроин (улуғ авлиёлар, замонавий султонлар ва ўтган шоирлар хотираномаси)
47. Тазкират ал-шуаро (Шоирлар хотираномаси)
48. Тазкират ал-хаттотин (Хаттотлар хотираномаси)
49. Тазкират ал-хаттотини муосири амир Музаффархон ва амир Абдулаҳадхон ва амир Алимхан аз гуфтаи Идрис махсуми Рожий (Идрис махдум Рожийга кўра амир Музаффархон, амир Абдулаҳадхон ва амир Олимхон замонидаги хаттотлар хотираномаси)
50. Тазкират ал-вузаро (Вазирлар хотираномаси)
51. Тазкират ул-ҳумақо (Нодонлар хотираномаси)
52. Тазкират ал-ҳукамо (Ҳакимлар хотираномаси)
53. Таърих
54. Таржимаи аҳволи имом Форобий (Имом Форобийнинг таржимаи ҳоли)
55. Таржимаи аҳволи қози Абдулвоҳид садри Сарир Балхий (Қози Абдулвоҳид садри Сарир Балхийнинг таржимаи ҳоли)
56. Зикри таржимаи ҳоли қози Абдушукур ўроқ (Қози Абдушукур ўроқнинг таржимаи ҳоли ҳақида)
57. Таржимаи аҳволи шайх-ур-раис Абу Али ибн Сино (Абу Али ибн Синонинг таржимаи ҳоли)

58. Таржимаи ҳоли Атор (Атторнинг таржимаи ҳоли)
59. Таржимаи ҳоли або ва аждоди ҳазрати каъбагоҳиям ва авлодашон (Ҳазрати қиблагохимнинг оталари, авлод аждодларининг таржимаи ҳоли)
60. Таржимаи ҳоли Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний (Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг таржимаи ҳоли)
61. Таржимаи ҳоли имом Ҳофизиддин ал-кабир ал-Бухорий (Имом Ҳофизиддин ал-кабир ал-Бухорийнинг таржимаи ҳоли)
62. Таърихи мухтасари Эрон ва баёни аҳволи салотини он (Эроннинг қисқача тарихи ва салтанатининг аҳволи ҳақида)
63. Таърихи Бухоро (Бухоро тарихи)
64. Таърихи осори атиқа (Ўтмиш даврлар тарихи)
65. Тўқсон икки қабилai ўзбак ва асомии қабoили туркману казак (Тўқсон икки ўзбек қабиласи ва туркман ҳамда казак қабилалари ҳақида)
66. Фузалои мутааххирин ва фузалои муосирин (
67. Ҳикоят ва мутоиботи муосирин ва қариби он (Замонавий ва яқин давр ҳикоялари, ёзишмалари)
68. Зикри чанд нафар уламои мутабаххири номдор ва фузалои мутафарриди соҳиб эътибор ки ба сафои тиннат маъруф ва ба безиноги ба дунйа мавсуф (Ўзининг поклиги ва дунёга бефарқлиги билан танилган баъзи таниқли олимлар ва эътиборли фозилларнинг зикрлари)
69. Ҳикояти ҳайвоноти соҳибхуш ва ҳунар (Уй ҳайвонлари ва ҳунаrmандчилик ҳақида ҳикоя)
70. Ҳикояте чанд ба лисони араб (Бир нечта араб тилидаги ҳикоялар)
71. Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад бинни Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусий
72. Мужмали таржимаи ҳоли маноқибӣ Оғойи Бузург (Буюк Устознинг қисқача таржимаи ҳоли маноқибӣ)

Садри Зиёнинг санаб ўтилган асарларидан бошқа яна иккита назм ва насрий баёзлари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёзмалари марказида №№2315, 2343 рақамлари остида сақланмоқда. №2315 рақамли баёзни Садри Зиёнинг ўзи китоб ҳолига келтирган, №2343 рақамли баёзни эса қисман ўзи ва қисман хаттотлардан Назруллоҳ Лутфий (1918 йил вафот этган) китобат қилган[19].

Садри Зиё асарлари мавзу доираси кенг, асосан тарихий ва адабий характерга эга бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига оид Бухоро амирлиги тарихи, илмий, адабий муҳитини ўрганишда қимматли манбалар сирасига киради. Унинг “Зикри авоили Бухоро”, “Тарих”, “Мунтахаб ат-таворих”, “Зикри салотини во подшоҳони адолатнишони аштархон”, “Зикри салтанати ва подшоҳии хавонини манғития дар Мовароуннаҳр”, “Зикри салтанат ва подшоҳии амир Алимхони махлуъ”, “Сабаби инқилоби Бухоро”, “Силсилаи салотини ўзбаки чингизхония”, “Мунтахаби салотин ва шаҳриёрон”, “Тарихи осори атиқа”, “Тўқсон икки қабилai ўзбак ва асомии қабoили туркману казак” каби тарихий асарлари Бухоро ва унда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон тарихини ушбу даврини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади. Шарифжон маҳдумнинг “Тарихи мухтасари Эрон ва баёни аҳволи салотини он”, “Зикри набзе аз аҳволи салотин ва шоҳони Эрон, бархе ахбори амирони холии Афғонистон”, “Силсилаи хонадони амирони холии Афғонистон ва баёни ҳолоти эшон”, “Силсилаи салотини усмонияи турк ва насаби эшон”, “Зикри подшоҳон ва кинозони давлати Россия”, “Силсилаи хони гетиситон Чингизхон ва баёни аҳволоти салотини авлоди он” каби асарлари шундан дарак берадики, у нафақат Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тарихини ёритувчи тарихнавис, балки қўшни қатор (Туркия, Эрон, Россия, Япония, Ҳиндистон) мамлакатлар тарихини ҳам ёритишга ҳаракат қилган. Унинг қаламига мансуб тарихий асарларнинг Бухоро тарихини ўрганишдаги ўрни борасида кейинги бобда маълумотлар берилади[20].

Садри Зиё шўро зиндонида вафот этгандан кейин, 1932 йилнинг апрел ойида унинг китоблари коллекцияси (350 жилддан ортик) Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят

кутубхонасига берилган. 1936 йилда бу коллекция Тошкентга ўтказилган ва ҳозирги пайтда у Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда[21].

Садри Зиё кутубхонасидаги китобларнинг бир қисми Бухорода қолган, бир қисми Самарқандга жўнатилган, кўпгина қўлёзмалар Душанбега юборилган (сотилган). Бир қанча асарлар Садри Зиёнинг ворисларига қолган[22].

Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган Садри Зиё коллекциясининг қайта тикланган репертуари 855 асарни ўз ичига олган, 307 жилддан иборат. Улардан 282 жилди рўйхатга оладиган дафтар бўйича ва 25 жилди (40 та асар) “Феҳрист” ҳамда бошқа манбалардан ва эълон қилинган мақолалардан олинган маълумотлар бўйича тикланди. Улардан 86 жилди 2-дан 100-гача бўлган асарлардан иборат бўлган мажмуалардир. Шу 855 та асардан 138 таси назмга, 108 таси тасаввуфга, 92 таси фалсафага, 33 таси тарихга, 39 таси фикҳга, 31 таси Қуръон ва тафсирга, 30 таси илоҳиётга, 29 таси мантиққа, 21 таси насрга, 23 таси астрономия ва астрологияга, 19 таси тиббиётга, 19 таси этикага, 18 таси таомил ва ибодатга, 17 таси маноқибга, 13 таси ҳадисларга, 11 таси хотираларга, 11 таси мукотиба, 10 таси луғатларга, 8 таси антологияга, 5 таси сиёсатга, 5 таси иншога, 4 таси энциклопедияга, 4 таси математикага, 4 таси географияга, 4 таси ветеринарияга, 4 таси муноқибга, 2 таси грамматикага, 5 таси эътиқод масалаларига, 2 таси феҳристга, 2 таси каломга, 2 таси китоблар рўйхатига, 2 таси луғатшуносликка, 2 таси адабиётга, 2 таси фармакологияга, 2 таси ҳаттотликка, 1 таси эсхатологияга, 1 таси мусиқага, 1 таси муножотга, 1 таси формаграфияга, 1 таси зоологияга, 1 таси ботаникага тааллуқли. Улардан 32 таси Садри Зиёнинг ўзининг асаридир. Кўп асарлар Садри Зиё, Аҳмад Дониш ва Бухоро ҳаттот мактаби вакиллари томонидан кўчирилган[23].

Садри Зиёнинг меросини ва кутубхонасини ўрганиш, унинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид маълумотларни қиёсий таҳлили шундай ҳулосага келишга имконият берадики, Садри Зиё қиёфасида Бухорода ўсган ва нафақат ўзининг асарлари, балки ўзининг коллекцияси таркибидан 1000 жилдга яқин китоблар кўринишида бой мерос қолдирган ўқимишли ва маданиятли киши билан яқин муносабатда бўламиз. Бу бебаҳо мерос. Мир Муҳаммадсиддиқ Ҳашматнинг кутубхонасидаги китоблар Садри Зиёнинг ҳаракати ва унинг китобга бўлган меҳри туфайли бизнинг давримизгача етиб келган ва сақланган[24]. Ҳашмат Афғонистонга муҳожирликка кетишдан олдин ўзининг шарқ қўлёзма китобларини Садри Зиёга қолдирган ёки сотган, чунки Садри Зиёнинг кутубхонаси таркибида шахзода Ҳашматнинг муҳри босилган китоблар мавжуд.

4.Хулоса:

Бухоро амирлигида давлат ва жамоат кутубхоналари билан бирга шахсий кутубхоналар кенг фаолият кўрсатган. Шахсий кутубхоналар ҳам нодир китобларга бой бўлган. Булар сирасига XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида яшаган, Бухоро илмий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган, маърифатпарвар олим, ёзувчи, шоир, ҳаттот, ҳомий, китобсевар, нодир ва қимматбаҳо қўлёзмаларга бой кутубхона эгаси бўлган Муҳаммаджон Шариф Садри Зиё шахсий кутубхонасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мир Муҳаммадсиддиқ Ҳашматнинг кутубхонасидаги китоблар Садри Зиёнинг ҳаракати билан бизгача етиб келган. Ушбу зотлар яратган кутубхоналар ва уларда сақланган китоблар келажак авлодларга аждодларимиз маънавий меросининг етиб келишида асосий восита бўлиб хизмат қилган.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Шаръий Хўжа Азим. Тазкират уш-шуаро /Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 3393/III рақам. Shari Khoja Azim. Tazkirat ush-shuaro / Manuscript Fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan. No. 3393.

2. 2.Возих Қори Раҳматуллоҳ. Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. –Тошкент, 1332/1913-1914; Пирмасти Афзал Махдум. Афзал ут-тазкор фи зикри шуаро вал-ашъор. –Тошкент, 1336/1917-1918; Абдй Абдуллоҳ Хўжа. Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро /Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кўлғезмалар фонди. №64 рақам; Муҳтарам Неъматуллоҳ. Тазкират уш-шуаро. –Душанбе, 1975. 2.Wazih Qari Rahmatullah. Tuhfat ul-ahbob fi tazkirat ul-ashob. –Tashkent, 1332 / 1913-1914; Pirmasti Afzal Maxdum. Afzal ut-tazkor fi zikrishuaroval-ash'or. –Tashkent, 1336 / 1917-1918; Abdy Abdullah Khoja. Manuscripts Fund of the Institute of Oriental Studies of the Bukhara / Uzbek Academy of Sciences. №64 numbers; Dear Ne'matullah. Tazkirat ush-shuaro. –Dushanbe, 1975.
3. 3.МирзаСалимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского, вводная статья и примечания: Н.Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009.
4. 3.Mirza Salimbek. Tarikh-iSalimi (Source on the history of the Bukhara Emirate). Translation from Persian, introductory article and notes: N.Norkulov. - Tashkent: Academy, 2009.
5. 4.Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (Фойдали тарих). Тоҷик тилидан Ш.Воҳидов, З.Чориев таржимаси. –Тошкент: Академия, 2001. 4.Tashkent: Academy, 2001. Muhammad Ali Baljuvani. The story of Nofei (Useful story). Translated from Tajik by Sh. Vakhidov, Z. Choriev. –Tashkent: Academy, 2001.
6. Фитрат Абдурауф. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. – Душанбе, 1991. 5.Fitrat Abdurauf. The reign of Amir Alimkhan. - Dushanbe, 1991
7. 6.Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. –Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1926.
8. 6.Xo'jaev F. Materials on the history of the Bukhara revolution. –Tashkent-Samarkand: Uzdavnashr, 1926.
9. 7.Айни Садриддин. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Тошкент:Туркистон давлат нашриётининг биринчи намуна мусулмон матбааси, 1923. – Б.107-136; Ўша муаллиф. Намунаи адабиёт тоҷик. – Душанбе:Адиб, 2010.–Б.272-276; Ўша муаллиф. Асарлар. 5-6-7- жилдлар.–Тошкент:Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.7. AyniSadriddin. History of the Emir of Bukhara. – Tashkent: The first sample Muslim printing house of Turkestan state publishing house, 1923. – В. 107-136; That author. Sample literature is Tajik. – Dushanbe, Adib, 2010. –В. 272-276; That author. Works. Volumes 5-6-7. - Tashkent: Fiction Publishing House, 1965.
10. 8.Хамроев У. Нодир асарлар хазинаси. // Ўзбекистон маданияти, 1963. – №1/721/; Ўша муаллиф. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида //Научные работы и сообщения, 1963. кн.6. –Б. 387-396. Hamroev U. A treasure trove of rare works. // Culture of Uzbekistan, 1963. - №1 / 721 /; That author. About a personal library and its catalog, Scientific works and messages, 1963. kn.6. –В. 387-396.
11. 9.Ваҳидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 1. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. Д.Янгибоева, Ш.Воҳидов. Зиё Садр Бухорий:Кутубхонамдаги китоблар ҳақида. (Бухоро илмий-адабий муҳитига оид материаллар).”Янги аср авлоди” Тошкент.–2015.–Б.1-12.
12. 9.Vakhidov Sh., Choriev Z. Sadr-iZiya and his library. From the history of books and book culture in Bukhara at the beginning of the XX century / Books, libraries, catalogs. Book 1.
13. 9.New Age Generation, 2007. D. Yangibaeva, Sh. VoxidovZiya Sadr Bukhari: About books in my library. (Materials on the scientific and literary environment of Bukhara). .1-12.
14. 10.Эсонова Ш. Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари тарихий манба сифатида /Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар.–Тошкент: Шарқ, 1999.–Б.74-83. 10.Esonova Sh. Sadri Ziyos "Roznoma" as a historical source / New sketches on current issues in the history of Uzbekistan.–Tashkent: Sharq, 1999.–P.74-83.

15. 11. Масалиева О. Садри Зиё асарларида Бухоро амирлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларининг ёритилиши / Ижтимоий фикр. №2.2013. –Б. 90-95. Masalieva O. Coverage of political, socio-economic issues of the Emirate of Bukhara in the works of Sadri Ziyoy / Social opinion. №2.2013. –В. 90-95.
16. 12. Шакури Муҳаммаджон Бухори. Садри Бухоро. –Тихрон: Маркази Аснод ва тарихи дипломоси, 1380 (форс тилида); Шакури, М. Садри Бухоро. Чопидуввум. Ботасхех, такмил ва иловаҳо / М.Шакури.–Душанбе: 12. Shakuri Muhammadjon Bukhari. Sadri Bukhara. – Tehran: Center for Documents and Diplomacy History, 1380 (in Persian); Шакури, М. Sadri Bukhara. Second edition. With corrections, improvements and additions / M.Shakuri.–Dushanbe:
17. 13. Шарифджан Махдум Садри Зийа. Тазкори аш'ар. / Мусаххих С. Садики. Ба кушиши Муҳаммаджан Шукуров. – Тихрон: Суруш, 1380 (2002); 13. Sharifjan Makhdum Sadri Ziya. Tazkoriash'ar. / Interviewer S. Sadiki. At the urging of Muhammadjan Shukurov. – Tehran: Surush, 1380 (2002); See U: Story, II. – С. 1177
18. 14. Стори, II. – С. 1177. 14. Storey, II. – S. 1177
19. 15. Мир Муҳаммад Сиддиқнинг кутубхонасидаги китоблар, Ш.Воҳидовнинг хулосасига кўра эгасининг Афғонистонга ҳижрат қилишидан олдин Садри Зиёга берилган (ёки сотилган). Ҳашмат кутубхонасига тегишли 300 жилддан ортиқ китоб Садри Зиё коллекцияси таркибида Ўз.ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ушбу маълумотларни бизга проф. Ш.Воҳидов тақдим этган. 15. Books in the library of Mir Muhammad Siddiq, Sh. According to Vahidov, it was given (or sold) to Sadri Ziyoy before its owner emigrated to Afghanistan. More than 300 volumes of books belonging to the Hashmat library are kept in the collection of Sadri Ziyoy at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of Uzbekistan. This information was provided to us by prof. Sh. Presented by Vahidov.
20. 16. Масалиева О. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари. // Мозийдан садо. 2004, 2(22)- сон. –Б.30-32. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш.– Б.30. Masalieva O. Sons of Amir Muzaffar, historian. // Echo from Mazi. 2004, 2 (22) - issue, pages 30-32; Rajabov Q. The Red Army's Invasion of Bukhara and the Struggle Against It, p.30.
21. 17. Ҳашмат Мирсиддиқ. Тазкирату-ш-шуаро // Қўлёзма, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари маркази. –2729.-Б.223. Hashmat Mirsiddiq. Tazkiratu-sh-shuaro // Manuscript, Center of Oriental Manuscripts named after Abu Rayhan Beruni, -№ 2729.-P.223.
22. 18. Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. –Б.22-25. 18. Vohidov Sh., Choriev Z. Sadr-i Ziya and his library. –P.22-25.
23. 19. Ўша жойда. – Б.20-25. In the same place. – P. 20-25.
24. 20. Д.Янгибоева, Ш.Воҳидов. Зиё Садри Бухорий: Кутубхонадаги китоблар ҳақида. (Бухоро илмий-адабий муҳитига оид материаллар). –”Янги аср авлоди”. – Тошкент, –2015. –Б.33-34. D. Yangiboeva, Sh. Vohidov. Ziyoy Sadr Bukhari: About the books in my library ... (Materials on the scientific and literary environment of Bukhara). ”New century generation” Tashkent-2015.-P.33-34.
25. 21. Асарлари ҳақида қаранг: Стори, II. – С. 1177. 21. See: Story, II. – P. 1177
26. 22. Шукурий М. Садри Бухоро. –Б. 22. Shukuriy M. Sadri Bukhara. – P.22.
27. 23. Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 1. – Ташкент: Янгиасравлоди, 2007.-С.35-170. 23. Vohidov Sh., Choriev Z. Sadr-i Ziya and his library. From the history of books and book culture in Bukhara at the beginning of the twentieth century. / Books, libraries, catalogs. Book 1. - Tashkent: Yangiasravlodi, 2007.-P.35-170.
28. 24. Воҳидов Ш. Библиотека царевич Хашмат – узника Бухарского арка. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 2. Қўлёзма. – С. 89. 24. Sh. Vohidov. Library of Tsarevich Khashmat - a prisoner of

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000